

## ТАЪЛИМ САМАРАДАОРЛИГИГА ЭРИШИШДА ТИЗИМДА ИННОВАЦИОН УЛУЛЛАР

**Адхам Хушимқулович Боймуродов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

[a.boymurodov@cspi.uz](mailto:a.boymurodov@cspi.uz)

**Сайхун Ниёзали ўғли Азимқулов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

[saykhun\\_94@mail.ru](mailto:saykhun_94@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тизимнинг бошланғич босқичи бўлган умумий ўрта таълим тизимида самарадорликка еришишда инновацион усул, кластер усули жорий этилиши, шу жумладан ҳар бир мамлакатнинг келажагини белгилайдиган таълим тизими тасвирланган. Шунингдек, умумтаълим мактаблари профессор-ўқитувчилар таркибида қулай инновацион муҳит яратиш тизимида кластерли ёндашувдан фойдаланишга, ўқитувчиларнинг илмий ва услубий тайёргарлигини ривожлантиришда олий ўқув юртларига ёрдам беришга, услубий ишларни самарали амалга оширишга эътибор қаратилмоқда.

**Таянч сўзлар:** Инновация, кластер, интеграция, таълим кластери, педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, инновацион технологиялар.

### INNOVATIVE SYSTEMS IN THE SYSTEM TO ACHIEVE EDUCATIONAL EFFICIENCY

#### ABSTRACT

The development of the economy of the Republic primarily depends on the quality of trained personnel. Reforms in various sectors in recent years have once again proved the relevance of this issue. In order to improve the quality of education in higher education, one of the important factors is the provision of material and technical resources, with the participation of highly qualified professors and teachers, the use of innovative teaching technologies based on modern information technologies, as well as the integration of higher education.

**Keywords:** modernization, education, training, integration, bachelor, master, innovation, pedagogical technologies, information technology, innovative technologies.

## КИРИШ

Ушбу мақолада ҳар бир мамалакатнинг келажагини белгилаб берувчи таълим тизими жумладан тизимнинг бошланғич босқичи бўлган умумий ўрта таълим тизмида самарадорликка эришишда инновацион усул, кластер усулини жорий этиш ёритилган. Шунингдек умумтаълим мактаблари педагогик жамоасида қулай инновацион муҳит яратиш, ўқитувчиларнинг илмий методик тайёргарлигини ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг кумаги, ўзлаштириш, татбиқ этиш ва оммалаштириш жараёнларига жалб этишда умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган методик фаолиятни самарали йўлга қўйиш масалаларини ечимида тизимда кластер усулини қўллашга эътибор қаратилган [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда айниқса кейинги 3 йилда таълимга, ёшларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина таълим тизимини ривожлантиришга оид 10 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожланиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Кўплаб олий ўқув юртлари очилмоқда. Чет эл университетлари филиаллари ташкил этилмоқда. Ёшларни олий таълимга қамраб олиш 20% дан ошиб кетди. Ўрта ва олий таълим тизимида меҳнат қилаётган педагог-ўқитувчилар ойлик маошлари оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” деган сўзлари “Бешиқдан қабргача илм изла” деган улуғ ҳадис иборасига ҳамоҳанглиги, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билимли, юқори савияли, илм-маърифатли ва юксак маънавиятга эга бўлиши олдимизда турган энг устувор вазифалардан биридир [2,3].

## НАТИЖАЛАР

Ер юзида инсоният ва кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб мукамалликка интилиб яшайди. Буюк аждодларимиз энг аввало таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратганлар. Миллат ва давлатнинг равнақи ҳар

томонлама етук кадрлар билан белгиланади. Бу эса педагогика соҳасига катта масъулият юклайди. Чунки ёш авлодни илм-фандаги янгиликлар билан мунтазам таништириб бориш, уларда замон билан ҳамқадам юриш кўникмасини шакллантириш, руҳан, жисмонан, маънан ва ахлоқан баркамол бўлишларини таъминлаш энг аввало таълим берувчилар зиммасига юкланади. Чинакам педагогиканинг моҳияти шундаки, у комиллик сари бўлган интилишларни бир нуқтада бирлаштира олади. Шунинг учун бу соҳа жамиятнинг ўзи каби янгилашиб, барқарорлашиб бораверади. Таълим соҳасига кириб келаётган қарашлар, инновациялар, метод ва методологиялар фикримиз исботидир. Бу борада салмоқли илмий ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда. Илмий қонуниятдан маълумки, педагогика соҳасида эришилган илмий ютуқлар янги-янги илмий-назарий тадқиқотларнинг яралишига туртки беради ва шу асосда ечимини кутаётган муаммоларни ҳам кун тартибига қўяди. Ана шундай масалалардан бири таълим тизимига инновацион таълим кластерини жорий этишдир. Педагогик инновацион таълим кластери сифатли таълимни ташкил этишда ўзаро турдош объектларни бир мақсадда бирлаштириши билан аҳамиятлидир.

Кластер бу – географик жойлашуви бўйича мос, маълум бир соҳага тегишли ва фаолият турлари боғлиқ, ўзаро рақобат қиладиган, шу билан бирга ягона мақсадга эга ташкилот, корхона ва муассасалар жамланмасидир.

Таълим кластерининг асосий махсулоти таълим хизматлари ҳисобланади. Кластер, биринчи навбатда, таълим хизматларини амалга оширишни эмас, балки ўзгарувчан бозор шароитида рақобатбардош таълим беришга қаратилган бўлиши керак. Педагогик таълим кластерининг шакллантириш учун бир қатор муҳим шартлар талаб этилади. Булар;

Худуднинг рақобатбардош устунликларидан фойдаланган холда таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлики йўлга қўйиш;

Бутун тизимнинг узок муддатли инновацияларни ва бошқа стратегиясини белгиловчи етакчиларни аниқлаш;

Ички ва ташқи рақобатбардошликни таъминлайдиган ўқув муассаси ҳодимларининг малака даражасини ошириш имконини берадиган илмий ташкилотларни белгилаш;


Ишонч ва ижодкорлик муҳити;

Битта худуддаги таълим муассасаларини умумий мақсад учун манфаатдорликнинг мавжудиги кабиларини келтириш мумкин.

Илмий манбаларда кластерлар уч хил кўринишда, яъни худудий, ишлаб чиқариш ва соҳалар бўйича бўлиб, уларнинг барчаси бир-бирига ўхшаш ва умумий белгиларидан бири кластерни ташкил этувчи субъектларни географик жойлашувининг яқинлигидан иборат. Таълим класерини умумий ўрта таълим тизимида самарадорлиги эришишда жорий этишда таълим кластери субъектлари имкониятларини интеграллаш асосида педагогик таълим сифатини оширишга қаратилган педагогик алмашинув тизimini жорий этишдир. Ушбу тизим бир-бирига географик жиҳатдан яқин жойлашган умумтаълим муассасаларида дарс машғулотлари ўтказишда педагог ходимлар алмашинувидир. Ушбу жараёнида ўқитувчилар ташкил этилган ўқув машғулотларини кузатиш, педагогик ва методик тажриба алмашишни жорий этиш.

### МУҲОКАМА

Маълумки жаҳонда барча давлатлар шаҳар, туман, посёлка каби кичик худудлардан иборат булсада ушбу кластер майдонларида бир-бирига яқин муассасалар ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.



1-расм. Педагог ходимлар алмашинуви кластер майдончалари.

1-расмда а, б, с, д таълим муассасалари расман бошқа-бошқа худудларга тегишли бўлсада, кластер майдончасида географик яқинлиги сабабли бирлашади ва улар ўртасида педагог ходимлар алмашинуви амалга оширилади. Кластер майдончаларида таълим муассасалари маълум бир фан доирасиги ўқитувчилар дарс машғулотлари ўтказиш, дарсларни кўзатиш каби тадбирлар режасини шакллантирган холда фаолият олиб борилади.

### ХУЛОСА

Кластер майдончалари ташкил этилиши таълим муассасалари педагог ходимлари ўртасида рақобатни юзага келтириши орқали таълим

самарадорилигига эришлади, шу жумладан майдончадаги таълим сифати паст бўлган муассасаларга кластер аъзолари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши орқали юқори натижаларга эришиш кўзда тутилган. Шундай улкан имкониятлар яратилаётган пайтда таълим тизимида таълим сифати талаб даражасида кўтарилиши учун муҳим туртки бўлади деб ҳисоблаймиз.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й., 9-сон.
2. Хуррамов, А.Ж., Воумуродов, А.Ж., Jurayev, A.X., Educational technologies and their quality assessment. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020. -P. 162-165.
3. Хуррамов, А.Ж., Комолов, Э.Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247
4. Хуррамов, А.Ж., Ражабов, О.Т., Ядгарова, Н.Н., Умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни. Academic Research in Educational Sciences, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 59-67
5. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокчи шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
6. Sultanov, R.O., Xalmetova, M.X., Ikki gildirakli transport robotlari harakatini dasturlash. Academic Research in Educational Sciences, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 108-114.
7. Azimqulov, S.N. (2020). Zamonaviy ta'limni axborotlashtirish tushunchasining nazariy asoslari. Ta'limda zamonaviy ma'lumot texnologiyalaridan foydalanishning yangilik usullari, 4(44), 124-126.
8. Азимқулов, С.Н, Инсон танасининг физик жараёнларини компьютер технологиялари орқали тадбиқ этиш ва қайта ишлаш босқичлари. ижтимоий соҳаларни рақамлаштиришда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти, 2020 1 (25), 68-70